



# SCIENCE TIME

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭРТАК ВА АФСОНАЛАРИДА ҒАЙРИТАБИЙ ТИМСОЛЛАР

**Алламбергенов Ҳамза Камалович**

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси доценти в.б., филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: [hamzaallambergenov1@gmail.com](mailto:hamzaallambergenov1@gmail.com)*

**Аннотация:** Мақолада туркий халқлар оғзаки ижодидаги мифологик мотивлар, ғайритабиий тимсолларнинг рамзий маъноси ва архаик фикрлашга оид ҳолда юзага келганлиги ўзбек, хакас, турк ва ёқут халқ эртаклари мисолида тадқиқ этилган. Ғайритабиий тимсоллар ва мифологик сюжетларнинг тарихий-фольклорий жараён давомидаги эпик трансформацияси сеҳрли эртаклардаги ғайритабиийликка асосланган бадиий тасвир усулининг вужудга келишига замин яратганлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** туркий халқлар оғзаки ижоди, эртак, миф, ғайритабиий тимсол, бир кўзли одам, дев.

**Аннотация:** В статье на примере узбекских, хакасских, тюркских и якутских народных сказок исследуются мифологические мотивы в устных произведениях тюркских народов, символическое значение сверхъестественных символов, возникновение архаического мышления. Определено, что эпическая трансформация сверхъестественных персонажей и мифологических сюжетов в ходе историко-фольклорного процесса заложила основу для возникновения в волшебных сказках метода художественного изображения, основанного на сверхъестественном.

**Ключевые слова:** устное творчество тюркских народов, сказка, миф, сверхъестественный символ, одноглазый человек, дев.

**Annotation:** In the article, the mythological motifs in the oral works of the Turkic peoples, the symbolic meaning of supernatural symbols, and the emergence of archaic thinking are studied on the example of Uzbek, Khakas, Turkic and Yakut folk tales. It has been determined that the epic transformation of supernatural characters and mythological plots during the historical-folkloric process laid the groundwork for the emergence of the method of artistic representation based on the supernatural in magical tales.

**Key words:** Oral works of Turkic peoples, fairy tales, myths, supernatural symbols, one-eyed man, giant images.

### КИРИШ.

Инсоният тафаккури яратган ҳамма нарса, биринчи навбатда, халқимизнинг маънавий меросидир. Эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик ва шарқона одоб-ахлоқ сингари асрлар мобайнида шаклланган маънавий фазилатларни ўзида жамлаган туркий эпослар, эратк ва афсоналар доимо башарият тамаддуни учун битмас-тугунмас манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Зотан, «... бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз



# SCIENCE TIME

бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор» [1. 221]. Қадим халқ оғзаки ижоди ҳам юқорида айтилганидай, бизнинг маънавий меросимизга дахлдордир.

Оғзаки адабиётнинг таракқиёти учун маълум бир қонуният асосида мифларнинг ҳам замин бўлганини таъкидлар эканмиз, бадий тафаккурнинг илк босқичи миф эканини эътироф этамиз. «Турли-туман мифик тасаввурларнинг бой, айтиш мумкинки, ягона манбаи инсоннинг метафорик ифодага асосланган жонли сўзидир» [2. 39]. Тахминан XIX асрнинг иккинчи ярмида А.Н.Афанасьев айтган миф пайдо бўлишига оид фикр ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. А. Афанасьевнинг миф пайдо бўлишига оид қарашларига эътибор беришни давом эттирсак, айнан ғайритабиий тимсоллар архаик мифлар заминида пайдо бўлганини таъкидлашимиз даркор. Шунингдек, Афанасьев, миф қадимги шеърятдир, деб талқин қилар экан, халқнинг оламга бўлган поэтик нуқтаи назари эркин ва турли-туман бўлгани сингари, халқнинг фантазияси ҳам эркин ва турли-туман бўлади [2. 46-47], деб айтади. Айни шу жараёнда халқнинг фантазияси ёки хаёлотли ғайритабиийликни пайдо қилганини биз шу ўринда таъкидламоқчимиз. Афанасьев келтирган метафорик сўзларда ҳам ғайритабиийлик борлигини айтиб ўтишимиз керак.

Шу маънода, туркий халқлар эртақ ва афсоналаридаги ғайритабиий тимсоллар ҳамда улар заминидаги рамзий, фалсафий ўзига хосликларни аниқлаш, шунингдек, бадий тафаккур таракқиётида тутган ўрнини белгилаш бугунги фольклоршунослик илми олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

## МЕТОДЛАР.

Туркий халқлар эртақ ва афсоналаридаги ғайритабиий тимсолларга жаҳон фольклоршунослигида ҳамда туркологияда бир қатор тадқиқотларга муносабат билдирилган. Жумладан, А.Н.Афанасьевнинг «Живая вода и вещее слово», Е.М.Мелетинскийнинг «Поэтика мифа», Э.Б.Тайлорнинг





# SCIENCE TIME

«Первобытная культура», И.В.Стеблеванинг «Очерки турецкой мифологии», ўзбек фольклоршунослигида Ж.Эшонқуловнинг «Фольклор: образ ва талқин», «Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини», Ш.Турдимовнинг «Ўзбек халқ кўшиқларида рамз», Н.Раҳмоновнинг «Туркий халқлар сеҳрли этакларида эврилиш (метаморфоза) ва унинг мифологик сюжетлар билан муносабати», З.Расулованинг «Ўзбек халқ сеҳрли этакларида «ғаройиб буюм»лар», М.Жўраеванинг «Миф, маросим ва этак», Б.Жуманиёзовнинг «Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи» сингари тадқиқотларида халқ оғзаки ижоди намуналаридаги ғайритабий образлар хусусида бир қатор фикрлар бор. Бизнинг тадқиқотимиз ғайритабий тимсолларнинг асосидаги мифологик мазмунни, образли тафаккур муносабатларини ҳамда сеҳрли этаклардаги ғайритабийликнинг ифодаланиш усулларини ёритади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Инсоният яратган ғайритабий тимсоллар, сюжетлар тасодифлардан холи бўлиб, узоқ асрлик бадий тафаккурнинг маҳсулидир. Бадий тафаккурнинг инсоният маънавий ҳаётидаги роли ва вазифаси беқиёсдир.

Ғайритабий тимсолларга ҳамма даврда ҳам бирдай ёндашилган эмас. Бу тимсоллар исломгача бўлган ёзма адабиётнинг, афсоналарнинг бевосита ва билвосита асосий вазифасини ўтаган бўлса, мумтоз адабиётда ижодкорлар ғайритабий тимсолларга ижодий ёндашдилар, бу тимсоллардан маълум бир мақсадда фойдаландилар. Туркий халқлар, хусусан, Сибирь туркий халқлари оғзаки ижодида эса ғайритабий тимсолларнинг барқарор, қадимий хусусиятларини ўзида сақлаган намуналарини кўрамиз. Масалан, хакас халқ этакларидан бири «Сеҳрли чатхан»даги бир кўзли ёвуз махлуқлар фикримизга далилдир. Этакда бир кўзли махлуқлар асосий ўрин эгаллайди. Этакнинг қисқача мазмуни куйидагича:



# SCIENCE TIME

Қадим замонларда бир кекса чўпон яшаган экан. Унинг исми Чатхан экан. Хоннинг мол-қўйлари кўп экан. Чўпонлари ҳам кўп экан. Чўпоннинг меҳнати оғир экан: фақат ташвиш, хурсандчилиги асло йўқ экан.

Чатхан, чўпонларнинг ҳаётини қандай қилиб енгиллаштираман экан, деб узоқ ўйлабди ва ниҳоят, бир кашфиёт ўйлаб топибди: узун юпқа тахтани олиб, унга еттита соч қилларини маҳкамлабди, уни қўли билан чертиб, мусиқа чала бошлабди. Хуллас, Чатхан чўпонларнинг меҳнатини енгиллаштирибди, ҳатто қушлару ҳайвонлар ҳам соч қилларидан чиққан мусиқа садоларини эшитганда, тўхтаб қоларканлар.

Бир куни кулфат юз берибди. Сеҳрли мусиқа асбоби ҳақида *бир кўзли қароқчилар* билиб қолибдилар. Улар тоғдан келишиб, кекса Чатханни ўлдиришибди-да, сеҳрли мусиқа асбобини олиб кетишибди. Камбағалларнинг мол-қўйларини ҳам ҳайдаб кетишибди. Кекса Чатханнинг бир набираси бор экан. У кун сайин эмас, соат сайин ўсар экан. Бола улғайгач, онасига: «Менга камон ва ўқ ясаб беринг», дебди. Онаси ўғлига, баланд тоққа бормагин, деб тайинласа ҳам, бола, бу тоғда нима бор экан, деб кизиқиб борибди. Тоғдаги ғорда туйнуғи йўқ уйни кўрибди. Уйдан еттита қоп-қора одам чиқиб келибди. Уларнинг «бошларининг чап томонида биттадан кўзи бор экан. Юзлари ўрнида каттакон оғзи бор экан, оғзиларида иккита қозик тиши бор экан».

Хуллас, Чатханнинг набираси бир кўзли махлуқларнинг ҳаммасини маҳв қилиб, халқни, уларнинг чорвасини ёвузлардан қутқарибди.

Эртақдаги бир кўзли махлуқлар тасвирини дунёнинг кўп мамлакатларида сақланиб келган мифик тасаввурларда, Чатханнинг набирасининг соат сайин улғайиши тасвирини эса «Ўғузнома» достонида Ўғузнинг улғайиши воқеаларида кўрамиз. Хакас халқ эртагидаги бу ғайритабиий тасвирлар остида мифик қатламни кўрамиз, зеро, инсониятнинг ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураши ҳақидаги тасаввурларининг бадий ифодаси ана шу ғайритабиий тимсолларда намоён бўлади.





# SCIENCE TIME

Бир кўзли одам туркий халқлар эртаклари ва дostonларида кенг тарқалган. Жумладан, ёқут халқ сеҳрли фантастик эртакларида бир кўзли одам тимсоли диққатга сазовор. Бу тимсол «Чўпчўкин» эртагида бор. Чўпчўкин кўлда балиқ овлаб, оиласини боқарди. Бир куни тонг отгач, кечкурун ташлаган четандан хабар олиш учун кўлга келди. У келиб, қайикдан сувни олиб ташлашни бошлаган эди, бирдан ғарб томондан келаётган кучли шовқинни эшитиб қолади. Кўп ўтмай, ваҳимаю шовқин-сурон билан абаасининг бир кўзли ўғли келиб қолади.

Ёқут фольклорида келтирилишича, *абааси* – душманнинг умумий номи, у Қуйи ва Юқори оламда истиқомат қилади; мифларга ва қадимги инонч-эътиқодларга кўра, ёвуз рух *абааси* одамларга зарар келтиради, хасталик олиб келади. Унинг акси *айиш* бўлиб, инсониятга ҳомийлик қиладиган мифологик илоҳларнинг умумий номи; айиш ёқут олонхоларида ва эртакларида «одам», «бизнинг одам» маъноларида қўлланади [9. 416].

Воқеалар давомида Чўпчўкин бир кўзlining талабини бажариб, икки ёшли тойини беради. Абаасининг бир кўзли ўғли тойни еб қўяди. Охири Чўпчўкин бир кўзlining талабини бажаришга имкони қолмагач, Чўпчўкиннинг ўзини еб қўяди. Чўпчўкиннинг тирик қолган бир ўғли ва бир кизи буқачанинг устига миниб қочадилар. Бир кўзли кизни еб қўяди, бир қанча саргузаштлардан сўнг, буқачанинг юраги ва жигаридан пайдо бўлган икки ит бир кўзlining ўлдирадилар ва бу ҳақда Чўпчўкиннинг ўғлига хабар берадилар. [9. 185-195]

Эртактаги бир деталга – бир кўзlining ғарб томондан келганига эътибор берайлик. Эртакта ҳикоя қилинишича, бир кўзли одам ғарбдан келади. Айрим халқлар маданиятида Ғарб рамзи кўркув маъносини ифодалайди. [8. 359] Умуман, Ғарб рамзи кўпчилик халқларда ўлим, ёмон руҳлар макони маъносини ҳам ифодалайди. Бу туркий халқлардаги бир кўзли одам тимсолида ҳам бор бўлиб, бизнингча, унинг қуйи оламдан келиб чиққанига ишора қилади. Уч қаватли олам модели ғайритабиий тимсоллар



# SCIENCE TIME

орқали мазкур эртақда ўз ифодасини топган. Бу тимсоллар скиф-сибирь хайвонот услубида бажарилгани билан Марказий Осиё худудидаги тасвирий санъатда ва халқ оғзаки ижодида умумийлик касб этади.

Ғайритабиий тимсоллар ва мифология ўзаро зич боғланган, бири иккинчисисиз бўлиши мумкин эмас. Шу боис мифологик образлар билан ғайритабиий тимсоллар ўртасига тенглик аломатини кўйиш мумкин. Мифологик образлар шуниси билан диққатга сазоворки, уларда ибтидоий фикрлашнинг ҳар қандай тури – мантиқий фикрлаш ҳам, бадиий фикрлаш ҳам, аниқ ва мавҳум фикрлаш ҳам акс этади. Ибтидоий фикрлаш босқичи эса ўз навбатида, ибтидоий инсоннинг дунёқарашидан иборат. «Ибтидоий инсон ҳам ўзини табиий оламдан ажратиб олмаган, инсоний хусусиятларни табиий объектларга кўчирган, уларга ўз ҳаётини, инсон ҳис-туйғуларини, онгли, маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини сингдирган» [3. 164-165]. Бу дегани – инсон атроф-муҳитни шахслаштирган деганидир. Атроф-муҳитни «шахслаштириш» орқали ибтидоий инсонч-этикодлар – фетишизм, анимизм, тотемизм каби этикод ва қарашлар шаклланади, бу эса ғайритабиийликсиз бўлиши мумкин эмас. Бу фикримизга «Сехрли чатхан» эртагидаги ҳамма буюмлару жонзотларнинг шахслаштирилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Эртақда Чатхан ясаган мусиқа асбобидан куй таралганда, отлар кишнаб юборади, сигирлар маърайди, кушлар қанот қоқиб тўхтовсиз учади, даштдаги югураётган хайвонлар тўхтаб қолади ва ҳ. Бу ҳодисалар ҳам аслида шахслаштиришнинг натижаси, мифик тафаккурнинг маҳсули, инсонга хос табиий хусусиятларнинг бошқа жонзотларга кўчирилишидир. Зотан, бу шахслаштиришда «ибтидоий» инсон фикрлаш тарзи акс этган бўлиб, ибтидоий даврда инсон ўзи билан хайвонот олами ўртасига чегара қўя билмаган [3. 164]. Хуллас, эртақдаги шахслаштириш ғайритабиийлик ва мифик тасавурларга асосдир. Ибтидоий даврда «одат»даги ҳолат эртақ яратилган даврда ҳам ғайритабиийлик касб этади.





# SCIENCE TIME

Шунинг учун бир кўзли, қозик тишли, юзлари ўрнида фақат катта оғиз бор махлуқлар тасвирига алоҳида урғу берилган.

Жаҳон мифологиясида кенг тарқалган ғайритабиий тимсоллардан бири бўлган бир кўзли махлуқ туркий эпосларда кенг учрамаса ҳам, жаҳон мифологиясидаги мазкур тимсолга ҳамоҳанглик касб этиши билан диққатга сазовор. Бу тимсол кўпроқ ибтидоий ҳаёт тарзини бошдан кечирган халқлар турмушида ва тасаввурда учрайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, туркий халқлар оғзаки ижодида икки қиёфали қаҳрамонларнинг биттаси, албатта, одам бўлади. Одам ўрта оламда истиқомат қиладиган жонзот. Бошқа оламларга – юқори оламга (масалан, кўринмас қанот билан юқори оламга) чиқса, ижобий қаҳрамон, қуйи оламга чиқса, салбий қаҳрамонга айланади. Аввало, инсоннинг қушга (масалан, каптарга) айланиш лавҳаси кўп учрайди. Ўзбек халқ эртақларидан «Беш қиз» эртагида қизнинг турли қуш ва ҳайвонларга айланиши лавҳасига мурожаат этамиз.

«... Қиз отасининг сўзини қайтара олмай, хўп деди. Шу куни кечаси билан ўқиб, тонг отганда мени одам суратига киргизди. Подшо билан хотини мен билан қайтадан кўришди. Бироздан кейин подшонинг боғига чиқиб, ўтирган эдик, шу орада осмонда бир кабутар пайдо бўлди. Қиз ўрнидан туриб: «Жоду қилган дев мен билан курашгани келди», деди. Ўзи дуо ўқиб, бир катта қора қуш бўлди, каптар билан олишди. Бир вақтда каптар ерга тушиб, юмалаб ит бўлди. Қиз юмалаб шер бўлди – яна олишди. Охирида турли нарсалар бўлиб, бир-бирларини енга олмади. Қизнинг аччиғи келиб, бир катта ўт бўлиб, девни қуйдирди...» [10. 15] Дев ёки бошқа махлуқот ҳам инсонга айланиши ҳам мумкин: «Дев индамай овқатни еб, ғор оғзидаги арқон билан болтани олиб, одам суратига кириб, шаҳарга, тўғри тикувчи ёнига борибди» [10. 13].

Бу сингари ғаройиботлар мифологиянинг маҳсули бўлгани учун ҳам, «яхши» ва «ёмон» кучлар – жонзотлар қиёфасидаги дев ва қизнинг мифик



# SCIENCE TIME

эврилишлари тотемларга бўлган ишончдир. Тотемларга илк марта ишонч-этикод шаклланди, «яхши» ва «ёмон»лар ҳақидаги тасаввурлар ҳам шакллана бошлади. Бу даврда «цивилизациялашган оламда жиддий фаолият кўрсатиш учун «ёввойиликнинг ақлий ривожланишига мосланган мифнинг пайдо бўлиш тамойиллари» [7. 180] шу йўл билан сақланади. Мифик эврилиш буддавийликда, айниқса, кенг тарқалган. Масалан, қадимги ҳинд мифологиясида еттита риши – донишманд, башоратчи бор. Шулардан бири Гаутама бўлиб, буддавийлик мифологиясида у Будда Шақямунининг исмидир. Ривоятларга қараганда, Гаутама 550 марта туғилиши жараёнида бақа, балиқ, қарға, маймун ва бошқа кўплаб ҳайвонлар тимсолида зоҳир бўлган. Унинг издошлари бошқа нарсага айланиб, ўзгаришларнинг мифологик характерини англашдан шунчалик узок эдиларки, бу эврилишларга инончнинг маҳсули сифатида будда ибодатхоналарида реликт сифатида буюк устоз истиқомат қилган жонзотларнинг жуни, қанотлари, суяклари сақланиб қолган. [7. 200]

Ғайритабиий тимсоллар ва уларнинг остидаги мифологик тасаввурлар ҳар доим ҳам ўз маъносида ва булардан кўзланган мақсадда қабул қилинавермаган. Ярми ҳайвон ва ярми инсон шаклидаги жонзотларни цивилизациялашган халқлар ҳайвон қиёфали деб қабул қилганлар. Инсон ўз ақлий ривожига кўра мифлар яратилган даврда турган бўлса ва бирон ҳодиса ёки одат уни ҳайратга солсаю сабабини ўзи билмаса, у эртаси ўзи тушунадиган ҳолда ўйлайди ва ҳикоя қилиб беради. Ҳатто эртасининг ўзи ҳам бунинг ота-боболаридан қолган ҳақиқий афсона эканига ишонмаса ҳам, бу афсонани ундан эшитган ва такрорлайдиган қабиладоши бу вазиятдан ҳайрон бўлмайди, чунки эртаси ҳам шу муҳитда улғайган ва шу муҳитда яшайди.

Сибирь туркий халқлар фольклорига Ўрта Осиё халқлари фольклорига нисбатан, туркий халқлар диний-мифологик тизими аслиятини сақлаган. Буни, айниқса, қушлар ва ҳайвонларнинг мифологик





# SCIENCE TIME

мазмунда ва бу тимсолларнинг фаолиятида аниқроқ кўриш мумкин. Умуман, кушлар дунёдаги ҳамма халқларнинг мифологиясида муҳим роль ўйнайди. Биз туркий халқларда шу пайтгача яратилган кушлар билан боғлиқ тадқиқотлар ва олимларнинг кузатувларини эътиборга олган ҳолда, куйидагича фикрни илгари сураемиз:

Биринчи навбатда, кушлар диний-мифологик тизимнинг ва удумларнинг бир тимсоли бўлиб, турли вазифаларга эгадир: кушлар илоҳлар, тотем ота-боболар, маданий қаҳрамонлар, демиург (грекча, «уста», «яратувчи», «халқ учун яратиб берувчи»), инсонлар худога айлантирган қаҳрамонлар, шомонлар, қаҳрамонлар миниб юрадиган ҳайвонлар бўлиши мумкин. Улар илоҳий моҳиятнинг, юқорининг, осмоннинг, осмон руҳининг, кўешнинг, момақалдирикнинг, шамол, булутнинг мифопоэтик классификатори ва рамзи, космик зоналар, эркинликлар, ҳаёт, ҳосилдорлик, мўл-кўллик, кўтарилиш, чиқиш, илҳомланиш, башорат, каромат, руҳ, ҳаёт руҳи ўртасидаги алоқа ҳисобланади. [6. 31] Бу ўринда юқоридаги эртақлардан олинган парчадаги кушларнинг мифопоэтик вазифаси буларнинг қайси бирига тўғри келади, деган савол туғилиши мумкин. Масалан, қора куш, шер тимсолида илоҳларни ҳам кўришимиз мумкин, чунки булар қизни ўлимдан қутқариб қолдилар ва илоҳий моҳиятнинг ҳамда юқори оламнинг рамзига тўғри келади. Аини пайтда қора куш ва шер шомон ҳамда ҳаёт руҳи рамзини ифода этади ва ҳ.

Эртақларда жонзотларнинг ёки инсоннинг ғайритабиий пайдо бўлишида кенг тарқалган мифологема – ҳайвон ёки инсоннинг руҳи мавжуд. Яна «Чўпчўкин» ёқут халқ эртагига қайтаемиз.

Эртақда буқача инсоннинг вазифасини бажаради. Буқача Чўпчўкиннинг ўғли ва қизини бир кўзли одамдан қутқаргач, бир жойга етиб келдилар. Буқача иккаласига: «Менинг пешонамдан битни қидириб кўринглар-чи, у мени еб ташлади, – деди. Улар ўргимчак катталигидаги битни топдилар. – Ана шу битни ўлдир, – деб буқача қизга айтди. Қиз битни



# SCIENCE TIME

ўлдирди. – Энди мен ўламан, – деди буқача. – Ўлма, ўлма! – дедилар бола билан қиз. – Менинг руҳим ўлди, уни сизлар ўлдирдингизлар. Яхшиси, сизларга васиятимни айтай, кулоқ тутинглар! Менинг теримни шилиб олинглар. Сўнгра: «Уй бўл», деб терини ёйинглар. Бош суягимга: «Печ бўл», деб, танамнинг тўрт бурчига: «Тўртта устун бўл», деб, орқа елкамга: «Хари бўл», деб, «юрагим ва жигаримга: «Қора темир итлар бўлинглар» деб, лахта конимга: «Итнинг емиши бўл», деб, тўртта туёғимга: «Тўртта ётоқхона бўлинглар», деб ташланглар, тери остига кириб ётинглар... Алвидо! – деб буқача жон берибди».

Бу ўринда ҳар бир тана аъзосининг маълум объектга айланиши ходисасида руҳ кўчишини англаш мумкин. Шу билан бирга, буқачанинг ўз тилидан айтилаётган «руҳим ўлди» ибораси диққатга сазовор. Бу ўринда бит буқачанинг руҳини моддийлаштирган, руҳ моддийга айланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, руҳ – ҳаётий қудрат, куч-қувватнинг жонлантирилиши, инсон иродасининг қудратидир. Руҳнинг ўлиши – йўқолиши эмас, балки бошқа моддий нарсаларга айланишидир. Руҳ тимсоли, юқоридагидай бошқа ғайритабiiй жонзотлар тимсоли сингари, Миср, Бобил, Қадимги Юнонистон мифологиясида универсал мифологема ҳисобланади. [4. 443] Руҳ рамзи Жанубий ва Шарқий Сибирь халқларининг аксариятига хосдир.

Жонзотларнинг бир қиёфадан иккинчисига – инсонга ёки инсоннинг бирон жонзотга ёки қушга айланиб қолиш сюжетларида ҳам руҳий вазифа асосий роль ўйнайди. Зотан, эврилишларда моддий ва руҳнинг ўзаро муносабати ётади. Турк халқ эртақларидан «Чамбар диёр» эртагидаги моддий нарсаларнинг инсон руҳини ўзида мужассам этиши бу жиҳатдан диққатга сазовор.

Бир подшоҳнинг учта қизи бор экан. Улардан иккитаси вазирларнинг ўғилларига турмушга чиқиб, бахтиёр яшай бошлабдилар. Улар бир куни подшоҳ отасини кўргани келиб, энг суюкли отидан хабар олгани отхонага кирибдилар. Бу от узумдан бошқа нарса емас экан. Иккала катта опа отхонага





# SCIENCE TIME

бораётиб, турмушга чиқмаган сингилларини ҳам олиб борибдилар. От катта опаларнинг қўлидан узум ейишни хоҳламабди, кичик қиз берганда эса, от узумни ебди. Эртаси кун ҳаммаси такрорланибди, от лабларини подшоҳнинг кичик қизига тегизибди. Опалари эса қўрқиб қочиб кетибдилар. Шунда от бир силкиниб, чиройли йигитга айланибди ва қизга, менга турмушга чиқ, деб илтимос қилибди. Қиз рози бўлибди, отасига, мен ҳеч кимга турмушга чиқмайман, сизнинг ёнингизда қоламан, дебди. Подшоҳ рози бўлибди ва қизига яхши кўрган отини ҳадя қилибди. Йигит билан бахтли ҳаётнинг асосий шарти сирни сақлаш экан: от ҳақиқатан чиройли йигит эканини ҳеч ким билмаслиги керак экан. Кунларнинг бирида жангдаги маҳоратни кўрсатадиган беллашув бўлибди. Катта опаларининг эрлари отларини миниб, жанг майдонига йўл олибдилар, опаларининг ўзлари эса кичик сингиллари олдига келиб, эрларининг қаҳрамонлигини кўкларга кўтариб, мақтанибдилар. Аммо кутилмаган воқеа юз берибди: бирдан жанг майдонида қизил отда ёш йигит пайдо бўлибди, унинг кийимлари қизил, қўлидаги таёғи ҳам қизил экан. У иккала куёвни ҳам енгиб, ғолиб бўлибди, майдондаги ҳамма нарсани остин-устин қилиб, кўздан ғойиб бўлибди. Эртаси куни – подшоҳнинг катта қизлари эрларини мақтаб турганларида, майдонда ўша йигит пайдо бўлибди, энди у оқ кийимда, оқ отда ва қўлида оқ таёқ бор экан. У ҳаммани енгибди, ўша ерда турганлар: «Бу йигит ким бўлди экан?» деб бир-бирларидан сўрай бошлабдилар. Шу пайт подшоҳнинг кичик қизи чидаб туролмабди-да, сирни ошкор қилиб: «Бу менинг қайлиғим», дебди. Қиз ўша заҳоти отхонага бориб, йигитнинг от терисини ёқиб юборибди. Йигит эса ўша заҳоти каптарга айланибди-да, қизнинг олдига келиб, шундай дебди: «Эҳ гўзалим, сен менга кўлингдан келган энг ёмон ишни қилдинг. Энди бу ерда қолишим мумкин эмас. Алвидо. Энди мени Чамбар диёр деган ном билан излайсан. Мени топгунингча, узоқ вақтлар ўтади, темир чориқларинг тўзийди, темир ҳассанг эгилади». Шуларни айтиб каптар учиб кетибди, қиз эса йиғлаб қолаверибди, аммо қайлиғини излаб йўлга отланишга қарор қилибди. Отаси қизига темир



# SCIENCE TIME

чориқ ва темир ҳасса ясаб беришларини буюрибди. Шундан сўнг қиз йўлга тушибди. Қиз узок йўл юриб, бир булоқ ёнига келибди. Қиз темир ҳассаси эгилганини, темир чориғи тўзиб кетганини шу ерга келганда билибди.

Қайлиғи шу атрофда эканини қиз фаҳмлабди. Қиз дам олгани булоқ бўйига ўтирибди. Шу орада Чамбар диёр билибдики, бир бечора сув сўраб булоқ бўйида ўтирибди. Чамбар диёр ўша томонга йўл олибди, ўз севгилисини олмага айлантирибди-да, чўнтагига солиб, уйига келибди. Бу уй девларнинг макони экан. Ҳамма девлар бирдан: «Инсон гўштининг ҳиди келяпти!» – деб бақирибдилар. Аммо Чамбар диёр девларга, қизга тегмайсизлар, деб уларни кўндирибди. Девлар қизга зарар етказмасликка қасам ичибдилар, аммо бу қасамни қандай бузсак экан, деб баҳона излай бошлабдилар. Девларнинг онаси қизни ейишга баҳона топиш учун айёрлик билан қийин ишларни буюраверибди. Аммо Чамбар диёр қизга ёрдам бериб турибди. Чамбар диёр ва қиз ҳамма девларни енгиш мумкин эмаслигини билиб, қочиб кетишга қарор қилишибди. Улар қочиб, девлар эса уларни қувлаб кетаётганларида, қизни боққа, йигит ўзини эса боғбонга айлантирибди, Кейин йигит қизни дарахтга, ўзини эса дарахтни ўраб турган катта илонга (юқоридаги илон тимсолига қиёсланг, бу ўринда ҳам илон тимсоли ҳомий, исломдан олдинги мифологик мазмуни сақланган – Ҳ.А.) айланибди. Кейин иккаласи гулчамбарга айланибдилар ва қизнинг отаси – подшоҳнингқўлига бориб қолибдилар, яна тарикқа айланиб, подшоҳнинг тўни остига яшириниб олибдилар... Хуллас, йигит билан қиз шу тарикқа девлардан омон қолибдилар.

Бу эртақда олма, дарахт, гул, тарик (дон) ҳосилдорлик, мўл-кўллик, муваффақият рамзини ифодалайди. Боғ эса ўсимликларнинг йиғиндиси сифатида нафақат ҳосилдорлик, балки абадий ҳаёт рамзини ифода этади. [5. 369] Яна шуни қўшимча сифатида айтмоқчимизки, йигит билан қизнинг турли жонзот ва нарсаларга айланиши инсониятнинг ибтидоий фикрлаш тарзига – табиатдан ажрала олмаган даврга, ўзини табиат билан яхлит ҳолда





# SCIENCE TIME

тасаввур қилган даврга ишора қилади. Шу билан бирга, бу ғайритабиий тимсоллар универсал мифологема ҳисобланиб, Шарқдаги кўп мамлакатлар мифологиясида сақланган. [6. 33]

Туркий халқлар мифологиясида мазкур эртақдаги уч тимсолга – каптар, от ва сувга диққат қаратмоқчи эдик. От ҳақида кўп мақолалар, диссертациялар бор. Биз уларни такрорламоқчи эмасмиз. Қолаверса, юқорида канотли от ғайритабиий тимсоли ҳақида ҳам айрим қарашларни айтиб ўтдик. Биз отнинг Олам дарахти ҳақидаги миф билан алоқадорлигига ишора қилмоқчимиз. От, умуман, ҳинд-европа мифологик тизимида муҳим роль ўйнаши билан бирга, бир қанча худоларнинг атрибутлари ҳисобланади. Мифик от ҳақидаги ҳикоялар қадимги ҳинд, кельт ва славян мифологиясида ҳам маълум. От ҳақидаги умумевропа тасаввурлари билан худоларнинг мослигини отни қурбон қилиш ҳақидаги удумларда кўриш мумкин. Масалан, қадимги ҳинд удумлари бўйича, от қурбон қилинганда, фазонинг уч қисмига тенглаштирилган. От билан боғлиқ бу удумлар ва мифологик тасаввурлар қадимги ҳинд-европа халқлари билан Марказий Осиёнинг туркий халқларида мос келади. [4. 666] Чамаси, бу халқлар ўртасидаги қадимий алоқалар от култи ва у билан боғлиқ удумлар, мифологиядаги умумийликка асос бўлган. Англиялик олим Э.Паллиблэнк ҳинд-европа мифологиясининг хитойликларнинг «самовий отлар» ҳақида мифологик тасаввурларига таъсирини аниқлаган эди [4. 666]. Бундай отларнинг тасвирлари Олтойдаги Пазирик қўрғонидан топилган. Енисей, жумладан, кельт мифологиясида турли халқларда отнинг келиб чиқиши ҳақида мифлар сақланган. А.П.Дульзоннинг аниқлашича, Енисейдаги отнинг «qus» деган номи ҳинд-европа тилларидаги еқос сўзига бориб тақалади. Бир қатор тадқиқотчилар эса бу ҳайвонларнинг хонакилаштирилишидан айрим халқларнинг (Олд Осиё ёки Жануби-Шарқий Европа) миллоддан олдинги иккинчи минг йилликда миграция жараёнида от билан боғлиқ айрим мифологик тимсолларнинг диффузияси бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. [4. 666]



# SCIENCE TIME

## ХУЛОСА.

Умуман, кузатишлар ва таҳлиллар кўрсатадики, ғайритабиий тимсолларнинг келиб чиқишида фантастик тасаввурлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Бунга сақланиб қолган турли афсоналардаги фантастик образлар, жумладан, яъжуж ва маъжужлар тўғрисидаги афсонанинг ғайритабиий тимсоллари гувоҳлик беради. Шунингдек, туркий халқлар сеҳрли эртақларидаги бир кўзли одам ёки умуман бир кўзли махлуқлар тимсоли ҳам шу типдаги тимсолларга мисол бўла олади.

Санъатда, мифларда ва эртақларда ғайритабиий тимсолларнинг турли тасвирлари шундан далолат берадики, инсоният хали ўзи билан ҳайвонот ўртасига чегара қўя билмаган даврларда ғайритабиий тимсолларни ярата бошлаган. Турли қиёфадаги инсонлардан ҳар хил жонзотлар кўркувга тушади, деган тасаввурлар қулоғи филнинг қулоғига ўхшаш ёки бурни йўқ ё бир кўзли ёки бурни пешонасида жойлашган инсонлар тасвирининг пайдо бўлишига асос бўлган.

Мифологик образларда ибтидоий фикрлашнинг ҳар қандай тури ўз аксини топган бўлади. Шунингдек, нафақат маълум бир афсонавий шахслар, балки бутун бошли халқ ҳам ғайритабиий қиёфага эга бўлиши мумкин. Бизнингча, бутун халқнинг ғайритабиий қиёфасини метафорик тасвир деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Туркий халқлар яратган мифлар, афсоналар, эртақлар, илк ёзма адабиёт намуналаридаги ғайритабиий тимсолларни таҳлил ва талқин қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қадим аждодларимизнинг мушоҳада қилиш, яратувчилик қобилияти ғоят юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган. Ғайритабиий тимсоллар барча туркий халқларда умумий, айна пайтда барча туркий халқларда ўша тимсоллар бир хил маъно ва вазифада қўлланади. Эртақ ва дostonларда ўз ифодасини топган ғайритабиий тимсолларнинг айрим жузъий хусусиятлари ижтимоий вазият – маълум бир диний оқимларнинг маълум бир туркий халқларда барқарорлашуви билан боғлиқ. Бу вазият, шубҳасиз,





# SCIENCE TIME

туркий халқлар диний-мифологик тизимига мансуб ғайритабиий тимсолларни таҳлил ва талқин қилишда ана шу жиҳатларини ҳам назарда тутишни тақозо қилади.

Зотан, туркий халқлар мифологияси маҳсули бўлган ғайритабиий тимсоллар кўп масалаларга – фикрлашнинг турли кўринишлари ва омиллари, бадиий тафаккур тадрижи, сеҳрли эртақларнинг юзага келиши ва шу сингари кўп масалаларга ойдинлик киритади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 221.
2. Афанасьев А.Н. Живая вода и вещее слово. – М.: Советская Россия, 1988. – С. 39.
3. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – Б. 164-165.
4. Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 1. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 443.
5. Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 2. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 369.
6. Стеблева И.В. Очерки турецкой мифологии. – М.: Восточная литература, 2002. – Б. 31.
7. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Изд. Политической литературы, 1989. – Б. 180.
8. Тресиддер Джек. Словарь символов. – М.: Фаир-пресс, 1999. – С.359.
9. Якутские народные сказки. – Новосибирск: Наука, 2008. – С. 185-195.
10. Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик, иккинчи жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 15.